

147

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг Қонуни

**«Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг
4-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2010 йил 23 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2011 йил 25 марта
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган «**Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида**»ги 425-XII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 1, 43-модда; 1993 йил, № 5, 236-модда; 1994 йил, № 11-12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 153-модда; 2010 йил, № 9, 337-модда) **4-моддасига** қуидаги ўзгартишлар киритилсан:

2-банднинг 14-кичик банди қуидаги таҳрирда баён этилсин:

«14) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари»;

3-банднинг 17-кичик банди қуидаги таҳрирда баён этилсин:

«17) шаҳарда йўловчилар ташишни амалга оширувчи корхоналар ва ташкилотлар. Ҳарбий турдаги автомобиль колонналари».

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2011 йил 14 апрелда эълон қилинган.

147-148-моддалар

— 14 —

15 (463)-сон

2-модда. Ушбу Конун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 13 апрель,
ЎРҚ-281-сон